

(Маскавдаги драм мактабимизнинг ишларидан)

Карлў Хўтси...

Вахтангўф...

Аввалгиси милоднинг 1806 нчи йилида ўлиб кетган — италияли бир фожианавис.

Кейиигиси 1921 нчи йилларда ёш туриб ўлиб кеткан маскавли бир режиссурдир.

Хўтси Италияда «халк кулгилари» деган йўлни авж олдирмокчи бўлгон машхур Саккининг жaxonгашта, саёк театр тўдаси билан бирга ўша йўлда чолишкон кишилардан эди.

«Халк кулгилари» деган йўл ўзимизнинг кизикларимиз туткон йўлга бирмунча яқиндир. Уида ҳам машхур, танилган кизиклар бўлар эди, уларнинг исмлари (Панталуни, Биригалла, Тируффалдии ва бошқалар) бутун Италияга маълум эди. Ўйналадиргон хар бир асарда ўша кизикларга лойик рўллар бўларди; асарда унинг бир кахрамони сифати билан ўйнай бералар лекин асл ўз исмларини хамма пиесаларда саклаб коларлар эди. Шу учундирким, Хўтсининг «Турондод»ида учрагон исмлар унинг «Илон хотин» деган асарида ва умуман, бошка асарларида ҳам учрайди. Хатто ундан бурунрок (1793 да) ўлган Карлу Галдўнининг асарларида ҳам (чунончи: «Икки бойга бир карол» да) халиги машхур кизиклардан Панталўни, Труффалдин ва Биригаллаларга учраймиз. Улар сахнанинг хаммавакт кўрина тургон таниш юзлари, чехралари бўлгонлари учун «маска» (никоб) номини олдилар. «Комеди дарлорт» деганлари «Никобдорлар кизикчилиги» деган мафхумни онглатади. У кизикларнинг яна бир хусусиятлари ижодчи бўлишларида эди. Яъни асл пиесада уларнинг сўзлари кам бўлиб, керак жойда улар ўша замоннинг кизик гапларидан кўшиб сўзлар эдилар. Улар кучли ижодчи бўлгонликларидандирким, томошачиларни хамма вақт пиесада ёзилмагон сўзлар билан кулдириб келганлар.

Бутун дунё микёсида шухратга эга бўлиб колгон Евгений Ватангўфнинг 3 машхур «тузма»[1]сидан бири ўша Карлў Хўтсининг «Маликаи Турондод» деган асари эди. Бу асар Вахтангўф номидаги театрда шу йил кишда 500 нчи марта кўйилишининг тўйини килиб ўтказди. Хар якшанба куни кундузи, умуман кўб байрамларда бу асар тўктовсиз кўйилиб туради. Хамма вақт томошачилар билан театр сахни лик тўла бўлади...

«Агар ёш туриб ўлиб кетмасайди, чинакам инкилоб театрини яраткон бўлар эди», дейдилар унинг тўгрисида. Чинакам кувват ва кудрати энди очилиб келаётконда жуда ёш ўлиб кетди. «Минг гулидан бир гули очилмасдан» сўлди бечора.

Инкилобни кўплардан бурун кабул килиб, унга унаб, у билан ишламакка бел боглагон Ватангўф инкилобдан бурун ёзилгон асарларга — ўйин йўли билан — инкилоб унсурларини пайванд киларди. Болчикли Метерлинкнинг «Антон авлиёнинг каромати» деган асарида. Вахтангўф юкори табака одамларини жуда каттиг масхара килади. Унда

«буржуази»нинг турли рангдаги кишилари энг олчок киликлар билан кўрсатиладилар.

«Габелма» деган яхуд театри учун кўйиб берган асарида, «Хадебук»да яхуд халкининг неча юз минг йиллик аламларини жуда ўткур килиб кўрсатади.

Хўтсининг «Турондод» деган асари эрга тегишни истамаган ва эркакдан жирканган «нозли» бир хитой маликасини тасвир килади. Кизнинг отаси Хитой хокони Алтаум кизининг «нози» учун хадеб бош кесдиради. Кизининг эрга тегмак учун кўйгон шарти —учта жумбок (тобишмок) ни хал этиб беришдир; хал этканлар — кизни олалар, эта олмагонлар — бошларини кесдирталар... Астархондан бир нўгой хонининг ўгли бориб, жумбокларни топкунча канча йигитларнинг боши кетади. Бу ўзимизнинг эски Шарк хикояси мажмуаларида («Хафт пайкар»ларда) учраб юргон хаёлий хикоялардан биттасидир. Мавзу эътибори билан бу асар фожеъдир, кўркинчдир. Лекин бояги Италия кизикларидан бир нечтаси аралашиб колгони учун бир неча жойда яхши кулгилар берадир. Асарнинг тубандаги кизиклик хусусиятига «никоблар кизикчилиги» йўлининг ижодий имконларига жуда чукур тушунган Вахтангуф кўркинчли, фожеъли асарни жуда кизик бир кулгига айлантирди.

Асарнинг мавзуини, режасини, мафхумини ўзгартмасдан янги шакл берди; ўюн, тузма ва мафхумни чукур онглаш йўллари билан асарни бошка қолибка солди. Асардаги кизиклар, букун ҳам ўша қадимги исмларини таниганлари холда, бу куннинг томошачисини бу куннинг мавзулари билан кулдиралар. Шунинг учун Хитойнинг неча минг йил бурунги турмушидан олингон, балки ёлғиз хаёл меваси бўлгон бу қадим асарда... бу куннинг радиоси, футўгироф машинаси, анкет тўлдиришлари тўгрисида сўзланади; ўша муюмларнинг ўзлари сахнада кўринадилар...

Вахтангуф тузмасининг яна бир тўб тилаги: хурофотдан томошачини совутмокдир. Яъни асар бўлгон бир воқеадай эмас яхши, енгил, силлик ва текис ўйналгон бир уюндай кўринади.

Вахтангуф бизга — томошачиларга бутун асар бўйича «Ишанманг! Ишанманг! Бу—бўлгон гап эмас! Ёлгон бир хикоя! Бу «ўюн» деб туради. Шу учун ўйнагучилар (кизиклардан бошқалари) тугал сахна кийими кийиб лозларини бўяб чикмайлар. Тўгри, ўз кийимлари билан чиқалар-да, томошачилар олдида майда-чуйда латталарни у ер-бу ерларига илиб, ташлаб, боглаб... хитой эртагисининг қахрамонларига жиндак ўхшаб олалар... Жиндак! Биз, томошачилар Алтаум подшоҳ рўлини ўйнагон Уйгурни, шахзода ўйнагон Аброр билан Хожикулни, киз рўлидаги Турсунни, Сора, Замира, Бахриниса ва бошқаларни бахузур таниб ўлтирамитиз... Бизни шу хикоятга ишантирмаслик учун ўюн йўли билан ҳам бирмунча чоралар кўрилган.

Маскавдаги драм мактабимиз бу йил шу асар устида ишламакчи бўлди. Вахтангуфнинг шогирдларидан Симўниф режиссўрликка чакирилди. У Вахтангуф театри ўйновчиларидан икки киши Талчаниф ва Басиф ўртокларнинг кўмаги билан ишга бошлади. Асарнинг таржумаси каминага топширилгон эди. Кофиясиз лекин 11 хижоли вазн билан таржума килиб чиқишка муваффақ бўлинди. Албатта истудия «иш» деб тургон вақтда ўйлайиб-нетиб, ишлаб-тузатиб ўлтиришка тўгри келмади. Бу унинг бошка

ўюнлари каторида бир ўюни бўладир. Лекин асар тайёрланмоқда; келаси йил театр фаслида ёш жумхуриятимизнинг ёш пойтахти у асарни кўра олади. Мунга ишонамиз.

Асар навбатдаги бир пиеса кўйилиши каби кўйилмасдан, фан-тахлил йўли билан кўйилди десак бўлади. Режиссёр ва унинг эмакдошлари у асарни сахнага кўйиб бериш учун эмас, ўша асар устида истудия талабаларига сахна дарси бериш учун ишладилар. Шу учун бу асар бизнинг сахнамизда ортикча хурмат козонолмогонда хамки, сахна кучларимизнинг юксалиши ва ўсиши учун катта хизмат килгон бўлади. «Сахнамизда хурмат козонолмогонда» дедим, бундан мақсадим шу: Маскавда жахонлар кадар донг топкон бир асар бизда балки жуда хор бўлар: Маскав томошачисига сира ёкмагон бир нарса бизда катта хурмат топар, севилар. Бу фарк хар ким учун очик ва равшан бўлгон фаркдир. Мунда асарнинг ёлгиз бир дарс куроли бўлгонини кўз олдида тутиш керак. Йўкса, ўткан йилдаги каби янглиш тушунчалар бўлмоги мумкин. Яъни, ўтган йил драм истудиямиз русчадан таржума асарларни кўнрак олиб боргани учун хажвий «Муштум» да жиддий койишлар бўлди. «Ўз турмушимизни келтирмаган!» дедилар. У асарлариинг рус режиссурлари томонидан мактабда тайёрлангон дарсликлар экани тушунилмади. Муносабат келган вақтда шу ерни пича ойдинлаштириб ўтишни лозим кўрдим.

[1] «Тузма»ни «постануфка» ўрнига ишлатдим. (Ч.)

Маликаи Турондот — «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1927 йил 5-сонида босилган.

Карлу Хўтси — Карло Гоцци (1720—1806), итальян драматурги. К. Гоцци театр санъатида янги жанр — фьяб (эртас) жанрини бошлаб берди. Уларнинг ичида энг машхурларидан бири «Маликаи Турондот» (1762) дир.

Вахтангўф — Вахтангов Евгений Багратионович (1883—1922), рус режиссери, театр арбрби. «Маликаи Турондот» асарини Вахтангов 1922 йилда сахналаштирган, бу унинг сўнги постановкаси эди.

Хўтси... Саккининг жахонгашта, саёк театр тўдаси билан бирга ўша йўлда чалишкон кишилардан эди» — К. Гоцци, итальян халк санъатига, хусусан, никоблар комедиясига чукур мухаббат билан караган. У замондоши К. Гольдонини никоблар комедиясини сохталаштиришда айблаб, унга оппозицияда турган. Сакки — никоблар комедиясида катнашган итальян актёрлари оиласи. Маколада улардан энг машхури — Антонио Джовани Сакки назарда (1708—1788) тугилади. Бу актёр К. Гольдони билан дўстона муносабатда бўлган. Гольдони унинг учун махсус учта сценарий ёзган, улардан бири «Икки бойга бир карол» ўзбек сахнасида ўйналган. Демак, юкоридаги гаппи шундан келиб чиккан холда тушуниш, лозим.

Панталўни, Бригалла, Тируфалдин — Панталоне, Бригалла, Тру фальдино — «икоблар комедияси» театрининг доимий персонажлари.

«Комеди дарлорт» — тўгриси «комеди дслъ арате» никоблар комедияси.

«Болчкили Метерлинк» — Морис Метерлинк (1862—1949), бельгиялик шоир, драматург, файласуф. 1896 йилдан Францияда яшаган. «Антон авлиёнинг каромати» асари 1903 йилда ёзилган. Метерлинкнинг инкилобгача ёзилган пьесаларидан аксарияти рус сахнасида ўйналган. М. Метерлинк 1911 йилда Нобель мукофотиغا сазовор бўлган.

«Габелма» деган яхуд театри» — «Габима» номли яхудий театр студияси 1918 йилда ташкил топган, иброний тилида спектакллар қўйган. Озгина вақт студияга Вахтангов раҳбарлик қилган, «Гадибук» трагедиясини шу ерда сахналаштирган.

Хожикул — Хожисиддик Исломов (1893—1933) илк ўзбек актёрларидан, Москва драмстудиясини тугатган. «Турондот»да Панталоне ролини ўйнаган.

Турсун — Турсунбой Сайидазимова (1911 — 1929), илк ўзбек актрисаларидан. Москва драмстудиясида ўқиган, 1929 йил Бухорога гастрол чоғида ўлдирилган.

Сора — Сора Эшонтураева (1911 йилда тугилган), машхур ўзбек актрисаси, СССР халқ артисти. 1927 йилдан бери Хамза театрининг етакчи актёрларидан.

Замира — Замира Хидоятова (1909—1990), машхур ўзбек актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти.

«Вахтангўфнинг шогирдларида Симуниф..» — Симонов Р. И. (1899 — 1968), рус актёри ва режиссёри, СССР халқ артисти. Вахтангўфнинг шогирдларидан, 1924 йилдан унинг номидаги театр режиссёри.

Талчаниф — Толчанов И. М. (1891 — 1981), рус актёри, СССР халқ артисти.

Басиф — Басов О. Н. (1882—1939), рус актёри, 1919 йилдан Вахтангов студияси) кейин театрда ишлаган. Номи зикр этилган актёрларнинг ҳар уччови Вахтангов сахналаштирган «Турондот»да катнашиб, роль ўйнаган.